



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЁШ АВЛОДНИ ТЕРРОРИЗМ, ЭКСТРЕМИЗМ ВА БОШҚА ИЛЛАТЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустофақулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, капитан

Икрамов Ортиқжон Равшан ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим

Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 311-ўқув гуруҳи

курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17413413>

ARTICLE INFO

Received: 1st October 2025

Accepted: 15th October 2025

Published: 22nd October 2025

KEYWORDS

Хуқуқбузарликлар
профилактикаси,
профилактика
инспекторлари, ёш авлод,
терроризм ва экстремизм,
иллат, олдини олиш.

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика инспекторининг ёш авлодни терроризм, экстремизм ва бошқа иллатлардан ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш йўллари, ушбу соҳада мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар, терроризм ва экстремизмни олдини олишда юзага келаётган муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

Глобаллашув шароитида ҳамда халқаро ва минтақавий можаралар трансформацияси давом этаётган бир пайтда, экстремизм ва терроризмга қарши самарали курашиш масаласи кун тартибидаги долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда экстремистик ва халқаро террорчилик ташкилотлари диний ақидалар ниқоби остида ёшларни зўравонликка, миллий ўзлигини, маданий-маърифий ва оилавий қадриятларини йўқотишга ундаш йўли билан жамиятда зўравонлик ва радикал қарашларни тарқатишни давом эттирмоқда. Буларнинг барчаси фуқароларни экстремистик ва террорчилик ташкилотлари сафига жалб қилиш учун шарт-шароит яратмоқда.

Шу муносабат билан, экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва чек қўйиш ҳамда уларни молиялаштириш манба ва каналларига барҳам беришга қаратилган янада самарали чора-тадбирларни белгилаш, бу борада миллий ва халқаро даражада саъй-ҳаракатларни бирлаштириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бежизга “Бугунги кунда Ўзбекистонда Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича миллий стратегия изчил амалга оширилмоқда, ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда, “қайноқ нуқталар”дан қайтариб олиб келинган шахсларни тинч ҳаётга мослаштириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда”¹ деб таъкидламаганлар.

Ёшлар хуқуқлари бўйича БМТнинг Халқаро Конвенциясини ишлаб чиқиш ҳамда Бош Ассамблеянинг «Маърифат ва диний бағрикенглик» махсус резолюциясини қабул

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/7522>.

қилиш ташаббуси илгари сурилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг БМТнинг Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги маърузаси экстремизм ва терроризмнинг юзага келиш сабабларини, шунингдек, уларнинг олдини олиш йўллари тушунишда муҳим аҳамиятга эга бўлди².

Амалга оширилаётган «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришни, шу жумладан экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтиришни назарда тутди.

Аҳоли, айниқса ёшлар орасида экстремизм ва терроризмнинг бузғунчи ғояларига нисбатан муросасизлик туйғусини шакллантиришнинг муҳим шarti — бу ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлик, юксак билим даражаси, хусусан, миллий ўзликнинг соф қадриятлари моҳиятини ва диний конфессияларнинг биргаликда тинч-тотув ҳаёт кечирishi ғоясини англаб етишдир³.

Терроризм (лотинча - “қўрқитиш”, “вахимага солиш” деган маъноларни билдиради) аҳоли орасидаги турли хил қатламлар ўртасида ваҳима ва қўрқув уйғотиш, жамиятда зиддиятли ва низоли ҳолатларни келтириб чиқариш ҳамда шу орқали давлат бошқарувини ўз қўлига олишга қаратилган жинойий фаолиятдир⁴.

Экстремизм (лотинча, “ақл бовар қилмас даражада,” “хаддан ошиш” деган маъноларни англатади) жамиятда қабул қилинадиган қонун-қоидаларга зид яъни радикал қарашлар ва ҳаракатларни англатади. Шуларга диний тарзда тус берилса, бу диний экстремизмни вужудга келтиради⁵.

Сўнгги 4 йил давомида экстремизм ва терроризмга алоқадорлиги сабабли озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган 2 минг нафардан ортиқ шахслар афв этилди ва 1,5 минг нафардан зиёд шахслар жазони ўташ жойларидан озод қилинди.

2017-2018 йиллар давомида радикал диний оқимларнинг тарафдорлари деб ҳисобланган ёки уларнинг таъсири остига тушиб қолган 20 минг нафардан ортиқ шахслар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳисобидан чиқарилган.

2019 — 2021 йилларда «Меҳр» дастури доирасида Афғонистон, Сурия ва Ироқдан халқаро террорчилик ташкилотлари сафига адашиб қўшилиб қолган 400 нафар хотин-қизлар ва болалар Ўзбекистонга қайтарилиб, уларнинг ижтимоий мослашуви ва реинтеграцияси учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди.

Бунда бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар, шу жумладан Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси ва БМТнинг Болалар Жамғармаси (ЮНИСЕФ) муҳим ёрдам берди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2396-сонли резолюциясига биноан чет эл террорчи жангарилари билан боғлиқ ва терроризмнинг қурбони бўлиши мумкин бўлган хотин-қизлар ва болаларга ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон бундан кейин ҳам диний сабабларга кўра бузғунчи мафкуралар таъсиридан жабр кўрган шахсларга ҳар томонлама ижтимоий-ҳуқуқий ва моддий ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни давом эттиришни мақсад қилган. ХХРнинг Циндао шаҳрида 2018 йил 10 июнида бўлиб ўтган ШХТ мамлакатлари Давлат раҳбарлари кенгашининг 18-сессияси якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.07.2021 йилдаги “2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6255-сон Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5491626>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.07.2021 йилдаги “2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6255-сон Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5491626>.

⁴ <https://inlibrary.uz/index.php/ensuring-womens-rights/article/download/36701/37303>.

⁵ <https://inlibrary.uz/index.php/ensuring-womens-rights/article/download/36701/37303>.

Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан илгари сурилган ШХТ давлат раҳбарларининг ёшларга қўшма мурожаати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури Ёшлар ўртасида экстремизм ва терроризм мафқурасига қарши барқарор иммунитетни шакллантириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди⁶.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон қарори асосида мамлакатда Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш ва ўқитиш тизимини янги босқичга кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда Ёшлар ишлари агентлиги ва ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилоти — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилган.

Бугунги кунда улар томонидан ёшларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатда экстремизм ва терроризмнинг ҳар қандай кўринишда намоён бўлишига нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, бузғунчи мафқураларга қарши иммунитетни шакллантириш, ҳуқуқий саводхонлик ва ижтимоий жавобгарлик ҳиссини ошириш мақсадида ННТ, ОАВ, киноиндустрия, маданият ва санъат арбобларини жалб қилган ҳолда кенг қамровли комплекс маърифий тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ёшлар муҳотида экстремистик ва террористик ҳолатларининг пайдо бўлиши ва тарқалишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

а) ёшлар муҳотида ижтимоий тарангликнинг кучайиши (таълим даражаси ва сифатидаги муаммолар, иш ўринларининг етишмаслиги, иш ҳақининг пастлиги, коррупция ва бошқаларни ўз ичига жамлаган комплекс ижтимоий муаммолар билан тавсифланади);

б) кадрият йўналишларининг ўзгариши (экстремизм ва терроризм, дунёвий меъёрлар ва ижтимоий кадриятларни рад этувчи ғояларни сингдирувчи диний ташкилотлар ва мазҳаблар жиддий хавф туғдиради);

в) бузғунчи мақсадларда психологик омилни қўллаш (ёшлар психологиясига хос бўлган нигилизм ва максимализмдан экстремизм ва терроризмнинг мафқуравий раҳнамолари томонидан фаол фойдаланилади);

г) Интернет жаҳон ахборот тармоғидан ноқонуний мақсадларда фойдаланиш (радикал ташкилотларга кенг аудиториядан фойдаланиш ва ўз фаолиятини тарғиб қилиш, ўз ниятлари ва режалаштирилаётган ҳаракатларига оид маълумотларни жойлаштириш имкониятини беради);

д) ёшларнинг хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган экстремистик ва террорчилик ташкилотлари вакиллари ва эмиссарларининг таъсирига тушиб қолиши. Ёшлар, шу жумладан вояга етмаганлар ўртасида экстремистик ва террорчилик ғоялари тарқалишининг олдини олиш учун таълим ва ёшлар сиёсати соҳасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

а) ўсиб келаётган авлодда қонунга ҳурмат, ҳуқуқий саводхонлик, конфессиялараро ва миллатлараро бағрикенглик, мамлакатимиз халқларининг тарихи, маданияти, маънавий мероси ва урф-одатларига қизиқишни шакллантириш;

б) тўғарақлар фаолиятини жадаллаштириш орқали ёшлар, шу жумладан болалар ва ўсмирларнинг бўш вақтни мазмунли ташкил этиш, аҳолининг маданий, спорт ва дам олиш масканларидан фойдаланиши учун шарт-шароит ва қулайликларни яратиш;

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.07.2021 йилдаги “2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6255-сон Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5491626>.

- в) ёшларни анъанавий, маънавий, ахлоқий ва ватанпарварлик қадриятлари асосида тарбиялаш тизимини давлат томонидан узлуксиз қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;
- г) таълим ташкилотларида ватанпарварлик, бағрикенгликни тарбиялаш, экстремистик ва террорчилик фаолиятига жалб этилишининг олдини олиш бўйича машғулотлар ўтказиш;
- д) педагогик ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш, экстремизм ва терроризм ғояларига қарши курашишга қаратилган янги таълим стандартлари ҳамда педагогик услубиётлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- е) экстремистик ва террорчилик мафкуранинг тарқалишига олиб келадиган омилларни аниқлаш мақсадида ёшлар ўртасида бандлик, ижтимоий ва иқтисодий фаровонлик, ёшлар субмаданиятлари фаолиятига оид таҳлиллар ўтказишга қаратилган ижтимоий/социологик тадқиқотларни ўтказиш;
- ж) ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда мустақкам фуқаролик позицияси ва ўзликни шакллантиришга қаратилган фаолиятда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш;
- з) экстремизм ва терроризм ғоялари тарқалишининг олдини олиш ва профилактика қилиш мақсадида ёшлар жамоат бирлашмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;
- и) ёшлар ўртасида фуқаролик позицияси ва ҳуқуқий саводхонликни рағбатлантирувчи махсус форум ва учрашувларни ташкил этиш;
- к) ўзларининг иш услубларини тубдан ўзгартирилиши лозим бўлган Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, «Маънавият ва маърифат» марказлари фаолиятини жонлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини ёшлар ўртасида энг кўп ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муаммолар мавжуд бўлган ҳудудларга манзилли йўналтириш⁷.
- Профилактика инспекторининг ёш авлодни терроризм, экстремизм ҳуқуқбузарликларидан барвақт олдини олишда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишини муҳим деб ҳисоблаймиз:
- 1) жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш;
 - 2) фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдириш;
 - 3) ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, умуминсоний, диний ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;
 - 4) ўсиб келаётган ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик, шафқатсизлик, шаҳвонийлик каби салбий ғоялар таъсиридан ҳимоялаш;
 - 5) «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» имкониятларидан самарали фойдаланиш. Ёшларни Маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:
- Биринчидан, ҳар бир ёш авлодда инсонийлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик, бағрикенглик, меҳнатсеварлик, ўзаро тотувликни шакллантириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга эътиборни янада кучайтириш;
- Иккинчидан, таълим муассасаларида, айниқса, умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган ёшлар учун ўқув машғулотларида, дарсларда ахборот психологик хавфсизлик, интернетдан фойдаланиш маданияти, ижтимоий тармоқларнинг салбий тарафлари хусусида тушунтириш ишларини кучайтириш;

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.07.2021 йилдаги “2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6255-сон Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5491626>.

Учинчидан, оилада – ота-онанинг фарзандлар тарбиясидаги шахсий намунаси асосида оилада китобхонлик, спорт ва санъатга, миллий анъана ва қадриятларга ҳурматини янада шакллантириш.

Туртинчидан, келажак авлодни бир-бирларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг бадиий адабиёт ва санъатга қизиқишларини кучайтириш, сабр-тоқатли килиб тарбиялаш;

Бешинчидан, ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун уларни турли қўшимча машғулотларга, жумладан, касб-ҳунар марказлари, тил ўрганиш масканларига қамраб олиш даражасини янада кенгайтириш лозим. Мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб уларнинг спорт ва санъат билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратиш мақсадга мувофиқ⁸.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги глобаллашув даврида халқимиз ўзининг ижтимоий тараққиётга бўлган интилиши ва чуқур маънавий салоҳияти билан янги Ўзбекистонни барпо этмоқда. Замонавий шароитда мамлакатимизда жамият ва инсон фаровонлиги, ижтимоий маънавий такомилени таъминлаш борасида муҳим, ўз навбатида юксак марралар ва буюк истиқболни кўзлаган дастурий чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Ўз-ўзини ривожлантиришга қодир шахсни шакллантириш, бугунги олаётган ҳар нафасини шу эл, шу халқ тинчлиги, давлат тараққиёти учун сафарбар қилиш, умуман олганда кечаги натижа, кечаги қараш ва мезонларни бугун тарихга айланди деб ҳисоблашимиз, шу вақтга қадар эришган ҳар қандай марраларимиз бизни қониқтирмаслиги ҳамда мана шу ўй ва фикрларимизни миллий феноменга айлантирмоғимиз керак ва шу билан бирга экстремизм ва терроризмга қарши курашда аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг турли ёт оқимлар таъсирига тушиб қолишларига йўл қўймаслик, уларни интернет орқали тарғиб қилинаётган турли ғоявий ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар қўламини янада кенгайтириш, терроризм ва экстремизм ғояларига қарши йўналтирилган комплекс илмий тадқиқотлар ва китоблар тайёрлаш ва нашр этиш ҳамда бағрикенглик ғояси ва тинчликни мустақамлаш масаласини илгари суриш орқали Ислом динининг асл мазмун-моҳияти юзасидан семинарлар ва конференциялар ташкил этиш, ушбу йўналишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада ошириш мақсадга мувофиқ. Шундагина юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва бағрикенглик муҳитини асраш ва уни келажак авлодаларга ҳам етказиш имконига эга бўламиз. Юксак билимли ва ҳар ҳил ёт ғояларга қарши иммунитет ҳосил бўлган ёшларимизда терроризм ва экстремизм ғояларига тушиб қолмаслик кафолатланади. Бу эса Ўзбекистоннинг келажagini юксак билимли ва интеллектуал ёшлар эгаллашидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://president.uz/uz/lists/view/7522>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.07.2021 йилдаги “2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6255-сон Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5491626>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.07.2021 йилдаги “2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6255-сон Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5491626>.
4. <https://inlibrary.uz/index.php/ensuring-womens-rights/article/download/36701/37303>.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.07.2021 йилдаги “2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6255-сон Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5491626>.

5. <https://inlibrary.uz/index.php/ensuring-womens-rights/article/download/36701/37303>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.07.2021 йилдаги “2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6255-сон Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5491626>.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.07.2021 йилдаги “2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6255-сон Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5491626>.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.07.2021 йилдаги “2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6255-сон Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5491626>.

